Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O'ZBEKISTON OVOZI

● 2012-yil, 16-iyun. Shanba ● 74 (31.506) Ijtimoiy-siyosiy gazeta ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan ● www.uzbekistonovozi.uz

# СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

**Шу йил 15 июнь куни Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.**

Давлатимиз раҳбари аввало мустақиллик йилларида бутун юртимиз қатори Сурхон заминида ҳам улкан тарихий ишлар амалга оширилгани ҳақида тўхталди. Ўтган давр мобайнида Ўзбекистонда, жумладан, Сурхондарё вилоятида ҳам катта-катта ўзгаришлар юз берди. Тараққиётимизнинг ўсиш суръатлари тобора ошиб боряпти. Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда яшаётган ҳар қайси оила ҳаётида рўй бераётган ижобий ўзгаришлар барчамизни қувонтириб, олдимизда турган мақсадлар сари янги-янги қадамлар қўймоқдамиз, деди Юртбошимиз.

Бир вақтлар Сурхондарё ҳақида сўз юритганда, ўзимизга олис ва чекка бир ҳудудни тасаввур қилар эдик. Бу воҳа ҳақида гапирганда, аввало унинг мураккаб ва кескин иқлими, афғон шамоли, турли қийинчиликлар ҳақида сўз кетар эди.

Ҳақиқатан ҳам, эски тузум даврида Сурхон заминига бирёқлама қараш шаклланиб, бу минтақанинг тараққиёти, унинг улкан ер ости ва ер усти бойликларини ўзлаштириш масаласи йиллар давомида ҳал этилмасдан келгани яхши маълум.

Бу ўлканинг бетакрор, дунёда камдан-кам учрайдиган ўсимлик олами ва табиати борлиги, мард ва ориятли, бағрикенг инсонлар юрти экани ҳақида, қадимий маданият ва деҳқончилик ўчоғи, умумбашарий тараққиётга беқиёс ҳисса қўшган макон экани ҳақида жуда оз эшитар эдик.

Ҳозирги кунда вилоят аҳли иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги, илму фан, маданият, таълим-тарбия, спорт соҳаларида эришаётган ютуқлар ҳақида ғурурланиб кўп гапириш мумкин. Агарки спорт соҳасини оладиган бўлсак, Сурхон заминида тарбия топган, Алпомишнинг муносиб авлодлари бўлган Тоштемир Муҳаммадиев, Абдулла Тангриев каби кураги ерга тегмаган, дунёга машҳур полвонларни ким тан олмайди?

Собиқ совет даврида Сурхондарёнинг маркази Термиз асосан ҳарбийлар ва уларнинг эҳтиёжи учун мослашган шаҳарга айланиб, замон талабидан орқада қолган эди. Ўтган йигирма йил мобайнида амалга оширилган ишлар туфайли нафақат Термиз, балки барча туман марказлари ва қишлоқларнинг қиёфаси ўзгариб, обод бўлиб бораётгани ҳаммамизга, аввалambор, шу заминда униб-ўсиб келаётган ёшларга завқ ва эртанги кунга ишонч бағишлайди.

Мен 30-40 йилдан буён Сурхондарё ҳаёти билан яқиндан танишман ва бугунги ўзгаришларни кўрганда, улар менга худдики қанот бергандек, бир вақтлар орзу қилган ниятларим амалга ошгандек ўзимни ҳис қиламан, деди давлатимиз раҳбари.

Бу ҳақда сўз юритганда, мусулмон оламида юксак ҳурмат-эътиборга сазовор бўлган Ҳаким Термизий бобомизнинг ёдгорлик мажмуаси ҳар томонлама обод қилингани, ҳеч шубҳасиз, маънавий қадриятларимизни тиклаш ва эъзозлаш йўлида яна бир улкан амалий қадам бўлганини таъкидлаш лозим. Шулар қаторида кейинги йилларда Термиз шаҳрида барпо этилган, 10 минг томошабинга мўлжалланган стадион, замонавий «Бахт уйи» мажмуаси, Меҳрибонлик уйи, «Дельфин» сузиш ҳавзаси, Термиз давлат университетининг муҳташам биноси, янги-янги мактаб, лицей ва коллежлар, тиббиёт ва маданият масканлари вилоят қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборди.

Ана шундай кўплаб мисоллар асосида кечаги кунни бугунги кун билан солиштирадиган бўлсак, ким эдигу ким бўлдик, деган саволга холисона жавоб топишимиз қийин эмас, албатта.

Ўтган беш йил давомида Сурхондарё вилоятида иқтисодий ўсиш суръатлари ўртача 8,7 фоизни ташкил этди. Саноат соҳасида эса охирги беш йилда ушбу тармоқда ўсиш кўрсаткичи 124,5 фоиз бўлганини таъкидлаш лозим.

Қишлоқ хўжалигининг айни шу даврдаги ривожланиш суръатларини таҳлил қилганда, бу борадаги ўсиш 123 фоизни ташкил этганини қайд этиш зарур. Қурилиш, транспорт ва алоқа тармоқлари вилоятда кейинги беш йил мобайнида мос равишда 2,9 ва 2 баробар ўсгани алоҳида диққатга моликдир.

*(Давоми 2-бетда.)*

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

# СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

## фуқаролик жамиятини такомиллаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя этишга хизмат қилади







Муродбек ЗИЁ олган суратлар.

**Суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини адолатли ҳимоя қилишни таъминламоқда. Буни суд тизими босқичма-босқич мустаҳкамланиб, собиқ тузумда бўлгани каби қатағон қуроли ва жазолаш идорасидан кишиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя этишга хизмат қиладиган мустақил институтга айлангани мисолида яққол кўриш мумкин.**

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ташкил этган **«Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини модернизация қилишнинг моҳияти ва аҳамияти»** мавзусидаги конференцияда шу ҳақда фикр алмашилди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик, идора ва ташкилот вакиллари иштирок этди.

*(Давоми 3-бетда.)*





«O'zbekiston ovozi» сайтида ўқинг

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ИЖРОСИ ДЕПУТАТЛАР МУҲОКАМАСИДА

www.uzbekistonovozi.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

## Н.О.Чориевни Сурхондарё вилояти ҳокими лавозимига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига ҳамда халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ:

**Нормўмин Омонович Чориев** Сурхондарё вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2012 йил 15 июнь*

ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти

# ВАТАН РАВНАҚИ ЙЎЛИДА

## «Ёш сиёсатчи» кўрик-танлови ёшларни эзгу мақсад атрофида бирлаштирмоқда



Муродбек ЗИЁ олган суратлар.

**Ҳар бир халқ, ҳар бир оила ўз келажагини, бахту-саодатини аввало ёшлар тимсолида кўради. Ўз фуқаролик позициясига эга, фикри ўткир, салоҳиятли ёш авлод юрт равнақи йўлида масъулиятни чуқур ҳис этиб, катта мақсадларга интилиб яшайди. «Ёш сиёсатчи» кўрик-танлови бир неча йилдирки, партиянинг ёш аъзоларининг ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш, сиёсий-ҳуқуқий саводхонлигини оширишга хизмат қилиб келаяпти.**

Танловнинг Тошкент шаҳар босқичида ҳам бу яна бир бор ўз аксини топди. Кўрик-танловнинг туман босқичларида 100 нафарга яқин ёшлар қатнашиб, улар орасидан 12 нафар иштирокчи саралаб олинди. Соғлом рақобат асосида кечган танловнинг шаҳар босқичида улар ўзларининг бор билими ва салоҳиятини намоён этишди.

*(Давоми 3-бетда.)*

Илмий-амалий конференция

# ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

**Маълумки, 2010 йили пенсия ва ижтимоий нафақаларни тайинлаш, тўловини мониторинг қилиш ҳамда ҳисоботини юритиш Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси зиммасига юкланган. Ҳар бир соҳада ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар такомиллашиб бораётган ҳозирги шароитда пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш, пенсия ва нафақа олувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари қонуний таъминланиши ғоятда муҳим.**

Шундан келиб чиқиб, Тошкент давлат юридик институтида «Ижтимоий таъминот қонунчилигини такомиллаштириш масалалари» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижро аппарати ва ҳудудий бўлимлари вакиллари, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги масъул ходимлари ҳамда ўқитувчи ва талабалар иштирок этди.

Анжуманда давлат пенсия таъминотининг ҳуқуқий асослари, мавжуд муаммо ва ечимлар, ижтимоий ҳимоянинг жамият барқарорлигидаги аҳамияти, унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари, нодавлат ижтимоий ҳимоя шаклларини ривожлантириш каби масалалар атрофлича муҳокама этилди.

Мазкур институтнинг илмий ишлар бўйича проректори Муҳаммади Усмонов ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар такомиллашиб бораётгани, бу эса пенсия ва нафақа олувчининг ҳуқуқ ва манфаатини қонун доирасида таъминлашни янада кучайтириш ҳақида тўхталди. Шу билан бирга, пенсия ва нафақа тайинлашда юзага келаётган айрим муаммолар, уларни ўз вақтида холис ҳал этиш лозимлиги, давлатимиз бу борада олиб бораётган сиёсат шуни талаб этишини таъкидлади.

*(Давоми 3-бетда.)*

# СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

Айниқса, иқтисодиётимизнинг муҳим тармоғи бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ҳудудий маҳсулот таркибидаги улуши беш йил давомида 63,9 фоиздан 73,8 фоизга етгани, бу Ўзбекистон бўйича энг юқори кўрсаткич эканига мажлисда Президентимиз томонидан алоҳида урғу берилди.

Кейинги йилларда бунёд этилган йирик саноат корхоналари, ишлаб чиқариш ва коммуникация иншоотлари вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Хусусан, 525 миллиард сўмлик маблағ сарфланиб, «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўлининг барпо этилгани нафақат Сурхондарё, балки бутун мамлакатимиз, Марказий Осиё миқёсида тарихий аҳамиятга эга бўлган улкан воқеа эканини алоҳида таъкидласак, арзийди, албатта.

Вилоят иқтисодиётига жалб этилаётган инвестициялар ҳақида гапирганда, охирги беш йилда умумий қиймати 70 миллиард 600 миллион сўмлик 18 та йирик лойиҳа амалга оширилгани эътиборга сазовордир. Жумладан, катта истиқболга эга бўлган Хонжиза полиметалл рудалар конининг ишга туширилиши, пахта хомашёсини қайта ишлашга мўлжалланган, лойиҳа қиймати 12 миллион долларга тенг «Шиндонг Спиннинг» корхонаси, вилоятда тайёрланадиган пилла хомашёсини тўлиқ қайта ишлаш бўйича қиймати 1 миллион 500 минг доллар бўлган «Сурхон-Термиз-Силк» корхонаси қурилгани ва бошқа кўплаб лойиҳаларнинг амалга оширилгани ҳудуднинг саноат салоҳиятини оширишда муҳим роль ўйнамоқда.

Сессияда вилоятдаги ютуқлар билан бирга ўз ечимини кутиб турган, ҳанузгача ҳал қилинмасдан келаётган муаммолар ҳақида ҳам атрофлича фикр юритилди.

Ҳаётнинг қайси соҳа ёки тармоғи бўлмасин — бу саноат ёки қишлоқ хўжалиги бўладими, ижтимоий масалалар бўладими, одамларни безовта қилаётган айрим нохуш ҳолатлар бўладими — уларнинг барчасини бартараф этиш — бу ҳам ўзимизга боғлиқ. Шу сабабли бугунги учрашувимизда кўпроқ мавжуд муаммолар ҳақида биргалашиб бош қотиришимиз, уларни ечиш йўлларини излашимиз мақсадга мувофиқдир, деди Ислом Каримов.

Бу ҳақда гапирганда, вилоятда аввало енгил саноат тармоғи ривожланиш ўрнига қолоқликка юз тутиб, саноат таркибида 50,7 фоиздан 43,8 фоизга тушиб қолганини афсус билан айтишга тўғри келади. Вилоятда ишлаб чиқарилаётган пахта толасининг атиги 6,9 фоизи шу ернинг ўзида қайта ишланаётгани албатта талабга жавоб бермайди.

Ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмини аҳоли жон бошига ҳисоблаганда, вилоятнинг бу борадаги кўрсаткичлари мамлакат миқёсидаги ўртача кўрсаткичлардан паст даражада сақланиб қолаётгани барчамизни, аввало, вилоят раҳбарлари, депутатлар ва фаолларни ўйлантириши керак. Нега деганда, Сурхондарёнинг бошқа ҳудудларимиздан устун жиҳати бўлса борки, асло кам жойи йўқ.

Қишлоқ жойларга саноатни олиб кириш, маҳаллийлаштириш дастури асосида қайта ишлаш корхоналари барпо этиш, ички ва ташқи бозор учун рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш борасидаги ишлар ҳам қониқарли эмас. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг асосий ҳиссаси Термиз шаҳри, Денов, Шўрчи, Шеробод ва Жарқўрғон туманларига тўғри келмоқда. Ангор, Термиз, Бойсун ва Олтинсой туманларининг умумий саноат ҳажмидаги улуши эса пастлигича қолмоқда.

Вилоятда ҳудудий экспорт таркиби асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан иборат бўлиб, улар ялпи экспортнинг 92,8 фоизини ташкил этади. Бу ўз навбатида саноат корхоналарини ривожлантириш, экспортбоп маҳсулотлар тайёрлаш, таркибий ўзгаришларни янада жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш масалалари бугунги кунда ўткир вазифа бўлиб қолаётганини яна бир бор тасдиқлаб бермоқда.

Жорий йил бошига қадар вилоятда 27 мингтадан ортиқ кичик бизнес субъекти рўйхатга олинган. Лекин уларнинг 90 фоизи амалда фаолият кўрсатмоқда. Қолганлари эса, қоғозда бор-у, амалда йўқ.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам қатор камчиликлар борлигидан кўз юмиб бўлмайди. Бизни боқадиган ернинг унумдорлигини, самарадорлигини ошириш ҳар доим қишлоқ хўжалигидан оладиган даромаднинг асосий гарови бўлиб келганини ҳаммамиз яхши тушунамиз, чуқур англаймиз. Бу ҳақда ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ, деб қайд этди давлатимиз раҳбари.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Халқимизнинг «Сен ерни боқсанг, ер сени боқади» деган мақолида чуқур маъно борлиги ҳаммамиз учун яхши аён. Юртимизда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида 2007 йилда махсус давлат дастури қабул қилинган эди. Таъкидлаш жоизки, ана шу дастур асосида Сурхондарё вилоятида ҳам катта ишлар амалга оширилмоқда. Буни ўтган беш йил давомида қарийб 60 миллиард сўмлик маблағ ҳисобидан 63 та экскаватор ва бульдозер сотиб олиниб, 430 километрдан ортиқ ирригация тармоқлари қурилгани ва реконструкция қилингани, 4 минг километрдан зиёд сув тармоқлари тозалангани ҳам тасдиқлаб турибди. Шулар қаторида Осиё тараққиёт банки томонидан ажратилган 73 миллион долларлик кредит ҳисобидан «Аму-Занг» канали ирригация тизимидаги асосий иншоотлар, жумладан, 3 та насос станцияси реконструкция қилинди. Бундай кенг кўламли ишлар натижасида воҳада 80 минг гектар майдоннинг мелиоратив ҳолати яхшиланди ва унумдорлиги оширилди.

2011 йил якунларига кўра, вилоят бўйича пахтачиликда ўртача ҳосилдорлик 29,2 центнерни, ғаллачиликда 48,9 центерни ташкил этди. Кейинги уч йилда вилоятда пахта ҳосилдорлиги 2-3 центнерга, ғалла ҳосилдорлиги эса 4-5 центнерга ошгани албатта ижобий натижа, буни ҳеч ким инкор этолмайди. Лекин, бу соҳада ажратилган катта-катта маблағларни ўзлаштириш, замонавий техникаларни самарали ишлатиш, магистраль коллекторлар ва ички зовурларни тозалаш масаласида ҳали қилинадиган ишлар жуда кўп эканига сессияда алоҳида эътибор қаратилди.

Айниқса, сув ресурсларидан тежаб-тергаб, оқилона фойдаланиш масаласи доимо диққат марказида бўлиши даркорлиги таъкидланди. Бугунги кунда бир метр куб сувни фермернинг даласига етказиб бериш мамлакатимиз миқёсида давлатга ўрта ҳисобда 23 сўмга, Сурхондарё вилоятида эса 30 сўмга тушмоқда. Агар вилоятга йилига 3,8 миллиард метр куб ҳажмида сув етказиб берилаётганини ҳисобга олсак, бунинг учун давлат бюджетидан 115 миллиард сўм маблағ сарфланаётгани аён бўлади. Шундай экан, сувни тежайдиган замонавий технологияларни кенг жорий этиш вақти келди, деди Ислом Каримов.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Сурхондарё вилоятида механизациялаштириш масаласи ҳам долзарблигича қолмоқда. Вилоятда кейинги икки йилда жами 60 миллиард сўмлик юқори унум билан ишлайдиган замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари сотиб олинган. Жорий йилда яна 30 миллиард сўмлик техника воситаларини харид қилиш кўзда тутилмоқда. Шу билан бирга, вилоятда 15 йилдан ортиқ вақт мобайнида ишлатиб келинаётган эскирган техникалар ҳам мавжуд.

Ҳозирги кунда бир ҳайдов тракторига ўртача 260 гектар майдон тўғри келмоқда. Натижада ерни шудгорлаш ишларида техника етишмаслиги сезилмоқда ва бу ўта муҳим агротехник тадбирни амалга ошириш муддати чўзилиб кетмоқда.

Бундай камчиликларга барҳам бериш, мавжуд техника парки таркибини янгилаш мақсадида қабул қилинган ҳукумат қарорига асосан, қишлоқ хўжалигида ресурс тежайдиган техникалар, юқори қувватли тракторлар ишлаб чиқариш ва улар билан фермерларни таъминлаш учун 2 триллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилди.

Ана шу қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда, вилоят ҳокимлиги тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзининг ҳудудий дастурини ишлаб чиқиши ва унда ҳар бир туман, фермер хўжаликлари учун техникалар етказиб бериш йўлларини, молиявий манбаларни аниқ белгилаб олиши зарурлиги сессия мажлисида муҳим вазифа қилиб қўйилди.

Бугунги кунда Сурхондарё вилоятида 43 минг гектардан зиёд шахсий томорқа майдонлари мавжуд бўлиб, ўтган йили уларда 9 минг тоннадан ортиқ картошка, 13 минг тоннадан кўпроқ сабзавот ва бошқа маҳсулотлар етиштирилгани, айрим омилкор деҳқонлар ўз томорқаларидан 30-40 миллион сўмга етказиб даромад олаётгани эътиборга сазовордир.

Айни вақтда вилоятдаги баъзи туманларда бу масалага етарлича аҳамият берилмаётгани ҳақида танқидий фикрлар билдирилди.

Мамлакатимиз олдида турган улкан вазифаларни адо этиш, қишлоқ хўжалиги соҳасини замон талаблари асосида ривожлантириш борасидаги энг муҳим масалалардан бири — бу фермер хўжаликларининг самарадорлигини ошириш билан бевосита боғлиқдир. Бу ҳақда гапирганда, шуни айтиш жоизки, бугунги кунда Сурхондарё вилоятида 4 минг 800 тадан зиёд фермер хўжалиги мавжуд бўлиб, уларнинг 2 минг 490 таси пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган.

Ҳозирги кунда фермерлик ҳаракати қишлоқда яшаётган одамларни, Ўзбекистон шароитида 50 фоизга яқин аҳолини иш билан таъминлаш, юқори даромад олиш, энг муҳими, саноатимизни хомашё билан, халқимизни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда етакчи ўрин эгаллаб келмоқда.

Фермерлик ҳаракати нафақат қишлоқ хўжалиги соҳаси ривожига, балки бутун иқтисодиётимизнинг жадал тараққий топишига, мамлакатимизнинг қўлга киритган ютуқларига, халқимизнинг ҳаёт даражасини оширишга беқиёс ҳисса қўшгани ҳақида биз кўп гапирамиз. Ҳаётнинг ўзи охирги ўн-ўн беш йил давомида бунинг учун етарли далил ва асослар бермоқда.

Шуни таъкидлаб айтмоқчиман — Ўзбекистонда бу ҳаракатни янада ривожлантириш, уни янги босқичга кўтариш, қудратли бир ижтимоий кучга айлантириш йўлида давлатимиз ва шахсан ўзим Президент сифатида фермерлик ҳаракатини бундан буён ҳам қўллаб-қувватлашга тайёрман. Кимки фермерлик ҳаракатига қарши чиқадиган бўлса, бу Президент сиёсатига қарши чиқиш билан баробар, деган сўзларимни бугун такроран айтмоқчиман, деди Ислом Каримов. Лекин, фермерлик ҳаракатига бундай муносабат фермер хўжалигини юритиш, унинг самарадорлигини оширишга доир барча сир-асрорларни чуқур ўзлаштирдик, деб айтишга асос бермаслиги керак.

Ҳозирги вақтда шу масала устида кўп ишлаб, Германия, Голландия, Польша каби давлатларга мутахассис ва фермерларни жўнатиб, уларнинг тажрибасини ўрганиш орқали фермерлик ҳаракатининг самарадорлигини янада ошириш бўйича бугун замоннинг ўзи талаб қилаётган дастур тайёрламоқдамиз.

Фермерлик соҳасида биз ҳозиргача фақат 10-15 йиллик тажрибага эгамиз. Ваҳоланки, фермерлик ҳаракати бутун дунёда неча юз йиллик тарихга эга. Биз уларнинг тажрибасини, ютуқларини ўрганиб, ўзимизда жорий этишимиз керак. Лекин бу борада ўз олдимизга шундай мақсад қўйишимиз керакки, эртага ўқувчи эмас, ўқитувчи бўлиб иш олиб боришимиз зарур.

Сессияда вилоятда аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини қондириш бўйича амалга оширилаётган ишлар атрофлича таҳлил этилди.

Сурхон воҳасида бугунги кунда 2 миллион 220 мингга яқин киши истиқомат қилмоқда. Аҳоли жон бошига ўртача даромад кўрсаткичи вилоятда республиканинг ўртача кўрсаткичидан анча орқада қолаётганини тан олиш керак ва бундай ҳолатни ўзгартириш ҳақида ҳаммамиз бош қотиришимиз лозим, деди давлатимиз раҳбари ижтимоий соҳадаги ислоҳотлар ҳақида тўхталар экан.

Вилоятда янги иш ўринлари ташкил этиш борасида қабул қилинган дастурга мувофиқ, 2011 йилда 65 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилган. Уларнинг 73 фоиздан ортиғи кичик бизнес соҳасига тўғри келади. Айни вақтда, 2011 йил якуни бўйича, вилоятда доимий иш билан банд бўлмаган аҳоли сони 46 минг нафарни ташкил этмоқда. Баъзи туманларда ишсизлик даражаси нисбатан юқори бўлиб қолаётгани ҳақида танқидий фикрлар билдирилди. Бу масалани ечиш йўлларидан бири сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада кучайтириш, фермер хўжаликлари пахтачилик, ғаллачилик ёки боғдорчилик билан чекланиб қолмасдан, ўзи етиштирган маҳсулотни саноат асосида қайта ишлаш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, қурилиш ва таъмирлаш ишларини амалга оширадиган бригадаларни ташкил қилиш, таъминот масалаларини йўлга қўйиш каби фаолият турлари билан ҳам шуғулланиши зарурлигига эътибор қаратилди.

Маълумки, бундан уч йил олдин мамлакатимизда қишлоқ аҳолисининг турмуш маданиятини ошириш, унинг яшаш шароитини шаҳар шароитига яқинлаштириш мақсадида муҳим давлат дастури қабул қилинган эди. Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида замонавий янги уй-жойлар қуришга қаратилган бу дастур халқимиз томонидан кенг қўллаб-қувватланди.

Бу уйларнинг лойиҳалари устида жуда кўп ишлаб, турли вариантларни қурувчи ва мутахассислар, жамоатчилик вакиллари иштирокида кенг муҳокама қилдик. Билдирилган танқидий фикр-мулоҳазалар асосида энг маъқул лойиҳалар қабул қилинди, деди давлатимиз раҳбари.

Қишлоқ аҳлининг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, бундай уй-жойлар учун ажратилаётган ер участкаларининг ҳажми 4 сотихдан 6 сотихга кенгайтирилгани, халқимизнинг турмуш тарзи ва анъаналарини ҳисобга олиб, қўшимча қулайликлар яратилгани ҳам кўпчилик учун айни муддао бўлди.

Бу борада Сурхондарё вилоятида ҳам катта ишлар амалга оширилмоқда. 2009-2011 йилларда қарийб 95,5 миллиард сўм маблағ ҳисобидан янги уй-жойлар барпо этилиб, 1 минг 400 га яқин оила янги уйларга кўчиб киргани бунинг тасдиғидир.

Таъкидлаш керакки, бундай замонавий уй-жой массивлари қишлоқларимизнинг меъморий қиёфасини тубдан ўзгартириш, одамларнинг турмуш маданиятини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Айниқса, коммунал корхоналар ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 60 километрлик газ, 72 километрлик электр, қарийб 68 километрлик сув тармоқлари барпо этилгани, 20 километрдан ортиқ йўл қурилиши амалга оширилганини қайд этиш лозим.

Ҳозирги вақтда ушбу дастур талаблари қандай бажарилаётгани айрим вилоятларда тегишли назорат ташкилотлари томонидан жиддий ўрганилмоқда. Сурхондарё вилояти раҳбарлари ва мутасаддиларини ҳам огоҳлантириб айтмоқчиман, билиб қўйинглар, бу борада сўров қаттиқ бўлади, деб уқтириб ўтди Президентимиз.

Сессия мажлисида биз учун ўта муҳим, айтиш мумкинки, ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган яна бир масала — умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига қамраб олиш борасидаги ишларнинг аҳволи ҳақида ҳам сўз юритилди.

Бу йил Сурхондарё вилояти бўйича 47 минг 446 нафар бола мактабни битирмоқда. Уларнинг 1770 нафари академик лицейларда, 45 минг 676 нафари эса касб-ҳунар коллежларида ўқишни давом эттириши кўзда тутилмоқда.

Бу ҳақда гапирганда, айрим ота-оналар ўртасида ўз фарзандлари, айниқса, қиз болаларга нисбатан мактабни битиргандан кейин ўқиш шарт эмас, турмуш қуришни ўйлаш керак, деган эскича қарашлар ҳалибери учраб туришини афсус билан айтиб ўтишга тўғри келади. Ваҳоланки, коллежда ўқиб, аниқ касбҳунар эгаси бўлиш биринчи навбатда қиз бола учун зарур. Қўлида ҳунари бор қиз бола эртага бировга қарам бўлиб қолмайди, ўз меҳнати, билим ва истеъдоди билан оиласини тебратишга, фарзандларини баркамол инсон этиб тарбиялашга ҳисса қўшади. Бу ўз навбатида ёш оилани моддий ва маънавий жиҳатдан мустаҳкамлашда қандай муҳим аҳамиятга эга эканини кимгадир исботлаб беришнинг ҳожати йўқ.

Бу ҳақиқатни биз — ота-оналар чуқур тушуниб, англаб, фарзандларимизнинг билим олиши, замонавий касб-ҳунар эгаллаши учун ҳамма шароитни яратиб беришимиз керак. Бу бизнинг болаларимиз олдидаги муқаддас бурчимиздир. Акс ҳолда, уларнинг келажагига хиёнат қилган бўламиз, деди Ислом Каримов.

Бу масалалар ҳақида гапирганда, ҳаммамиз яхши тушуниб олишимизни истардим — бу йилга юртимизда «Мустаҳкам оила йили» деб ном берганимиз, албатта, бежиз эмас. Мустаҳкам оила деганда, биз аввало бахтли оилани, ўз мурод-мақсадига етадиган оилани тушунамиз, деб ўз сўзини давом эттирди давлатимиз раҳбари.

Айни пайтда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашдек муҳим масалада йўл қўйилаётган камчиликлар атрофлича таҳлил қилинди.

Ёдингизда бўлса, ўтган йил якунларига бағишланган мажлисда мен бу мавзуга алоҳида тўхталиб, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларини, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларини бу борадаги ишлар қандай йўлга қўйилганига қараб уларнинг фаолиятига баҳо берилиши ҳақида огоҳлантирган эдим, бинобарин, бу масала бўйича барча масъул мутасаддилар тегишли хулоса қилишлари зарур, деди Ислом Каримов.

Биз ўз олдимизга қўйган юксак ва эзгу мақсадга етиш, яъни ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин эгаллашимиз учун аввало жуда тез ўзгариб бораётган замон билан ҳамнафас бўлиб яшашимиз лозим. Бугун ҳар қачонгидан ҳам мураккаб ва кескин бўлиб бораётган ҳаётнинг ўзи олдимизга улкан ва ўта масъулиятли вазифаларни қўймоқда. Нафақат бугунги ҳаёт билан ҳамқадам бўлиб яшаш, балки эртага йўлимизда пайдо бўлиши мумкин бўлган турли муаммо ва таҳдидларни бартараф этиш ҳақида ҳозирдан ўйлаб яшашимизни даврнинг ўзи талаб қилмоқда.

Мана шундай шароитда эл-юртни бирлаштириб, керак бўлганда меҳр кўрсатиб, керак бўлганда қаттиққўл бўлиб, аввало давлат ва жамият манфаатини биринчи ўринга қўйиб ишлашга қодир бўлган раҳбарга кўп нарса боғлиқ эканини тушуниш, англаш қийин эмас.

Кўпни кўрган, доно халқимиз ўз меҳнати, оқилона раҳбарлиги, инсоний фазилатлари билан ҳаётда из қолдирган етакчиларни доимо ҳурмат билан эслайди. Шу билан бирга, ўз лавозимига лойиқ бўлмаган, ўзига билдирилган юксак ишончни оқламаган одамларни ҳам эсидан чиқармайди.

Халқимизнинг «Яхшидан боғ қолади, ёмондан доғ қолади» деган чуқур маъноли мақоли бежиз айтилмаган. Мен бу сўзларни эл-юртимиз олдида, аввало, ёшларимиз олдида такрор ва такрор айтишни ўринли деб биламан.

Айтиш керакки, кечаги замонда раҳбарларга нисбатан талаб бошқача эди, бугун эса бутунлай бошқача. Бугун раҳбарлик вазифасида ўтирган ҳар қайси одам ўз масъулиятини ўн карра, юз карра кўпроқ сезиши даркор.

Раҳбар бошқаларга талаб қўядиган бўлса, савол туғилади: хўп, оғайни, бу масалани бошқа томондан кўрайлик, яъни, сиз ўзингиз шу талабларга лойиқмисиз? Ҳар бир раҳбар бу саволни аввало ўзига бериб, унга жавоб топиши керак.

Бошқалардан ҳалоллик, покликни, адолатли бўлиш, ошна-оғайнигарчилик, маҳаллийчиликка берилмасликни талаб қилиш ҳақида кўп гапириш мумкин. Лекин одамлар ҳамма нарсани, яъни, ким бу талабларга виждон амри билан, амалий ишлар билан жавоб бераётганини, ким эса хўжакўрсин ишлар билан, «кун ўтса — бас» деб юрганини жуда яхши билади, яхши сезади.

Ҳар қайси раҳбар бу масалани чуқур тушуниб етиши, аввало нафс балосига берилиб кетмаслиги, одамларни менсимасдан, оёғи ердан узилмаслиги лозим. Шундагина у эл-юрт ишончини қозониши, халқни юксак мақсадлар сари сафарбар эта олиши мумкин.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов тавсиясига кўра, 2011 йил декабрь ойидан буён Сурхондарё вилояти ҳокими вазифасини бажариб келаётган Нормўмин Омонович Чориев вилоят ҳокими этиб сайланди.

Олдимизда турган юксак марраларга эришиш учун ҳаммамиз ҳамжиҳат бўлиб, белни маҳкам боғлаб меҳнат қилишимиз, юртимизда ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш учун бир тану бир жон бўлиб яшашимиз лозим. Бугун ўзбек халқининг замони келди, Ўзбекистоннинг замони келди, маррани баланд қўйиб яшайлик, шундагина эртанги кун, келажак бизники бўлади, деди Президент Ислом Каримов.

Сессияда «Нуроний» жамғармаси Ангор тумани бўлими раиси Хушбоқ Тангриев, Сариосиё туманидаги «Нурали-Карим» фермер хўжалиги раҳбари Абдукарим Каримов, Термиз давлат университети ўқитувчиси Насиба Бегамова, Музработ туманидаги «Музработтекстил» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Элмурод Жумаев, Термиз давлат университети талабаси Нигора Нормуродова, «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими раиси Орзиқул Соатов ва бошқалар сўзга чиқиб, Президентимиз нутқида Сурхондарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари ҳар томонлама чуқур таҳлил этилиб, келгусидаги долзарб вазифалар аниқ белгилаб берилганини, воҳа аҳли билдирилган танқидий гаплар ва амалий фикрлардан тўғри хулоса чиқариб, ислоҳотлар самарасини юксалтириш, барча соҳа ва тармоқлар бўйича қабул қилинган дастурларни изчил амалга ошириш учун астойдил меҳнат қилади, деб таъкидладилар.

✧✧✧

Президентимиз Ислом Каримов шу куни Термиз туманидаги «Сурхон сарвари» фермер хўжалиги далаларига ташриф буюриб, фермерлар билан мулоқотда бўлди. Ғалла ўримйиғимининг бориши билан қизикди.

Абдузойир Абдуқодиров раҳбарлик қилаётган мазкур фермер хўжалиги 147 гектар ер майдонига эга. Хўжалик аъзолари бу йил 76 гектар майдонда ғўза парваришламоқда. 71 гектар майдондаги ғаллазорда мўл ҳосил етиштирилди. Давлатга пахта ва ғалла сотиш шартнома мажбуриятларини мунтазам бажариб келаётган хўжаликда ҳосилдорлик йилдан-йилга ошиб бормоқда.

— Ғаллачиликда июнь ойи муҳим палла, миришкорларимиз учун синов ойи ҳисобланади, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Бу йил ғаллачилик учун қулай йил бўлди. Ғаллакорларимиз мўлжалдаги ҳосилни тўплади. Галдаги муҳим вазифа — етиштирилган ҳосилни нест-нобуд қилмасдан, ўз вақтида йиғиштириб олишдан иборат.

Бунинг учун вилоятда барча имкониятлар етарли. Ҳосил йиғиб олинган майдонлар сомони махсус техника ёрдамида пресссланиб, ер пешма-пеш шудгор қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда фермерлик ҳаракатининг аҳамияти катта эканини алоҳида таъкидлади.

— Фақат деҳқончиликнинг ўзи билангина халқни боқиб, фаровонликка эришиб бўлмайди, — деди Президентимиз. — Фермер нафақат деҳқон, балки иқтисодчи, менежер, агроном, саноатчи бўлиши керак. Фермер ўзи етиштирган маҳсулотни ўзи қайта ишлаши, шу орқали қишлоққа саноатни жадал олиб кириши лозим. Ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқларини ривожлантириши, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини йўлга қўйиши, аҳоли фаровонлигини оширишга, ёшларни иш билан таъминлашга фаол ҳисса қўшиши лозим.

Давлатимиз раҳбари ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ғўзанинг серҳосил навларини танлаш, ҳосилдорликни ошириш ҳақида тўхталар экан, бугун деҳқончиликни рентабеллик даражаси билан ўлчаш энг тўғри йўл эканини таъкидлади. Пахтанинг рентабеллиги баланд бўлмаса, деҳқоннинг шашти қайтади, ишга қизиқиши сўнади.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз Қуролли Кучлари тубдан ислоҳ қилиниб, замонавий қурол-яроғ ва техникага эга, профессионал ҳарбий мутахассислар билан таъминланган миллий армиямиз шаклланди. Ҳарбий хизматга ҳар томонлама баркамол, чуқур билимга эга, юксак салоҳиятли ёшлар саралаб олинмоқда. Мамлакатимиз хавфсизлиги ва сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашга ёшларимизда қизиқиш ҳисси, масъуллик туйғуси баланд. Сержантлар миллий армиямизнинг энг ишончли таянчи ва суянчига айланди. Ҳарбийларни мустаҳкам ижтимоий ҳимоя қилиш тизими яратилиб, барча қулайликларга эга замонавий ва шинам уй-жой билан таъминлаш йўлга қўйилди. Буларнинг барчаси мамлакатимиз мустақиллиги, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлиги, чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш, тинчлик ва осойишталигимиз кафолати — миллий армиямизни такомиллаштиришга хизмат қилаётир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларига қарашли ҳарбий қисмга ташриф буюриб, офицер ва аскарлар билан мулоқотда бўлди. Хизмат жараёни, ҳарбийларнинг яшаш ва оилавий шароити билан қизикди.

— Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилаётган ҳарбийлар Ўзбекистоннинг фахри, ишончи ва суянчидир, — деди Президентимиз. — Улар ҳар доим Ватанимиз ҳимоясига шай. Уларнинг доимо ҳушёр ва сезгирлиги туфайли сарҳадларимиз дахлсиз, юртимиз тинч, халқимиз осойишта ҳаёт кечирмоқда. Ҳарбийларнинг ҳам ўз ҳаёти, оиласи, қувончу ташвишлари бор. Улар учун муносиб шарт-шароит яратиб бериш доимий эътиборимизда бўлиши лозим.

Халқимиз мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан янгиланишлар, барча соҳаларда қўлга киритаётган бетимсол ютуқларимиз, эришаётган марраларимиз, бунёдкорлик ишларимиз, турмушимиз фаровонлиги истиқлол туфайли эканини теран англайди. Сурхондарё вилоятида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, одамлар онгу шууридаги, тафаккуридаги ўзгаришлар ҳам бу ҳақиқатни яққол тасдиқлаб турибди.

**ЎзА**

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

# СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

## фуқаролик жамиятини такомиллаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя этишга хизмат қилади

Анжуманда таъкидланганидек, Концепцияда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш борасида кўзда тутилган — судга қадар иш юритиш босқичида лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини фақат судья санкцияси асосида қўллаш жорий қилиниши, шунингдек, биринчи инстанция судида иш бўйича айблов хулосасини ўқиб эшиттириш мажбуриятини фақат прокурор зиммасига юкланиши, суднинг жиноят иши қўзғатишига доир ваколатини чиқарилиши — жиноят процессида «Хабеас корпус» институтини қўллаш соҳасини янада кенгайтириб, суднинг мустақиллиги, холислиги ва беғаразлигини таъминлашга, жиноят процессида тортишув тамойилини кучайтиришга хизмат қилади.

**Абдуманноб РАҲИМОВ,**
***Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:***

— Концепцияда амалдаги «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳририни қабул қилиш масаласи қўйилган эди. Ўтган даврда қонун ижодкорлиги жараёни кенгайгани ва мураккаблашгани, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар янада ойдинлаштирилгани, шунингдек, сифатига талаб ошгани бу соҳада қонунийликни таъминлашнинг янги ҳамда янада самарали механизмларини яратишни тақозо этмоқда. Ҳозир қонун лойиҳаси устида иш олиб борилмоқда. Қонунлар Конституциявий қонунлар шаклида ҳам қабул қилиниши муносабати билан лойиҳанинг 8-моддасида Конституциявий қонун тушунчаси берилаяпти ва биринчи маротаба бундай қонунлар қайси масалалар бўйича қабул қилиниши мумкинлиги белгилаб қўйилмоқда.

*Шунингдек, лойиҳада вазирликлар ва идоралар ўз ваколатлари доирасида буйруқлар ҳамда қарорлар кўринишида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиши мумкинлигига аниқлик киритилди. Лойиҳанинг қандай масалалар фақат қонунлар қабул қилиш йўли билан тартибга солинишини назарда тутувчи қоидалари асосий янгиликдир. Амалдаги қонундан фарқли ўлароқ лойиҳа фуқаролар ва нодавлат ташкилотларининг меърий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашдаги иштирокига бағишланган алоҳида қоида киритилмоқда.*





**Отабек МУРОДОВ,**
***Адлия вазири ўринбосари, Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бош бошқармаси бошлиғи:***

— Бугунги кунда сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатлар тизимини модернизация қилиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя этиш бўйича олдимизда турган кенг кўламли вазифалар суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш масаласини кун тартибига қўйди.

*Концепцияда илгари сурилган суднинг мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, дастлабки тергов жараёнида суд назоратини кучайтириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари тизимида ўзаро тийиб туриш ҳамда манфаатлар мувозанатининг самарали механизмини яратишга қаратилган таклифлар суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштиради, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлайди.*

Шунингдек, анжуманда Концепцияда белгилаб берилган устувор йўналишлар асосида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексни янги таҳрирда қабул қилиниши масаласи ўз вақтида кун тартибига қўйилгани алоҳида қайд этилди. Янги лойиҳа маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўришнинг процессуал механизмларини такомиллаштириш, бу соҳада қонунийликни таъминлаш ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоялаш бўйича чораларни кўзда тутиши лозимлиги таъкидланди.

**Гулруҳ ОДАШБОЕВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Партияларaро баҳс

# СИЁСИЙ МАДАНИЯТ ВА МАСЪУЛИЯТ

## Ёки номига қилинган танқид тил учида айтилган гапга ўхшайди. Унинг таъсири ҳам, одамларга фойдаси ҳам тегмайди

**Ҳар қандай танқид холис, асосли бўлса, тан берасан, хатоларни тузатишга ҳаракат қиласан. Аслида танқиддан мақсад ҳам шу ўзи. Аммо масалани чуқур ўрганмай, таҳлил этмай, унинг мазмун-моҳиятини тушунмай танқид қилиш ҳеч кимга фойда келтирмайди. Қайтага жамоатчиликни чалғитади, кераксиз баҳс-мунозара келтириб чиқаради, одамларнинг вақтини олади.**

**Бунақа савиядаги номига танқид, партияларaро баҳс-мунозара ЎзЛиДеП нашрида тез-тез учрайдиган бўлиб қолди.**

Шу йил 24 май куни «XXI ASR» газетасида Қаҳрамон Сайдалиевнинг «ХДП шиорлари қачон амалиётга татбиқ этилади?» деган мақоласи чоп этилди. Унда «2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар Дастури»нинг Тошкент вилоятидаги ижроси ҳақида сўз боради. Мавзу жуда ҳам долзарб. Мазкур Дастур кучли ижтимоий ҳимояга доир давлат сиёсатининг таркибий қисмидир.

Мақолада вилоят бўйича соҳада амалга оширилган ижобий ишлар таҳлил этилган. Лекин бу мисолларда ХДПнинг ўрни айтилмайди. Мақоланинг иккинчи қисми мазкур йўналишдаги салбий ҳолатлар ҳақида. Бунда эса «бош қаҳрамон» сифатида ХДП илгари сурилган. Мақола мазмун-моҳиятидан кўриниб турибдики, мақсад — муаммони кўтариб, уни ҳал этиш йўлини топишга эмас, балки номига бўлса-да, ХДПни танқид қилишга қаратилган.

Мақолада айтилишича, «Чирчиқ шаҳридаги 317 нафар имконияти чекланган фуқароларга имтиёзли транспорт хизмати кўрсатиш, бепул дори-дармон билан таъминлаш масалаларига етарли эътибор қаратилмаган. Саховат ва мурувват уйларини спорт инвентарлари билан таъминлашга 7,4 миллион сўм маблағ ажратилганига қарамай, мутасадди ташкилотлар масъулиятсизлиги туфайли бу маблағ мурувват уйлари ҳисобига ўтказилмаган. Бундан ташқари, айрим геронтологик ва гериатрик ёрдамни ташкиллаштириш бўйича ёлғиз кексаларга махсус шифокор бириктирилмаган.

...Шунингдек, баъзи-бир идоралар томонидан бепул дори-дармон ва озиқ-овқат учун ажратилган маблағларни хўжасизларча талон-тарож қилиш, ҳисоботларда бажарилмаган ишларни бажарилди, деб кўрсатиш ҳоллари ҳам содир бўлмоқда.

...Буларнинг барчаси Дастур ижросини таъминлашда Тошкент вилоятида лоқайдликка йўл қўйилмоқда, деганидир».

Кейин муаллиф бирданига ХДПга ҳужумга ўтади: **«Бундай таҳлиллар эса соҳада рўй бераётган камчиликларни аниқлаш ва улар устидан жамоатчилик назоратини янада кучайтиришни талаб этади, албатта. Таҳлилчиларнинг фикрича, бу жараёнда айнан ана шу қатлам манфаатини ҳимоя қилаётган ЎзХДП вакиллари зиммасига жуда катта масъулият юклатилган... Бундан Тошкент вилоятида нисбатан кўпчилик депутатлик ўринларини эгаллаган халқ демократлари тегишли хулосалар чиқарсалар, мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки, ўз Сайловолди дастурида «аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари ва гуруҳларини аниқ тарзда ижтимоий қўллаб-қувватлашни назарда тутадиган мақсадли давлат дастурлари бажарилиши устидан парламент ва жамоатчилик назорати тизимини такомиллаштириш»га устуворлик берган ХДПнинг бундай масалаларга иккинчи даражали иш сифатида қараётганидан кўз юмиб бўлмайди».**

Юқоридаги рақамлардан кўриниб турибдики, муаллиф қайсидир идоранинг бу соҳадаги тайёр маълумотномасини олиб, ишхонада ўтирганча ХДПни танқид қилишга интилаяпти. Натижада асоссиз гаплар, нотабиий даъволар айтилаяпти.

Агар у «2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар Дастури» билан танишганида, унинг масъуллари ва ижрочилари кимлар эканидан огоҳ бўларди. Шунингдек, муаллиф фахрийлар ташкилотлари ва маҳалла оқсоқоллари билан учрашиб, вазиятни бироз ўрганганида, мақола фойдали тус оларди.

Давлат дастури ижросини бутунлай ЎзХДПнинг вилоят кенгаши зиммасига юкламай, масалага холис ва соғлом ёндашилганида тегишли вазирлик ва идоралар йўл қўйган камчиликларни кўрган бўлар эди. Партиялар, уларнинг депутатлик гуруҳлари ўз ваколати доирасида назорат олиб боради, албатта. Аммо улардан ҳуқуқ-тартибот идоралари вазифасини талаб қилиб бўлмайди. Яна бир масала. Бу жараёнда нега фақат ЎзХДП иштирок этиши, O'zLiDeP иштирок этмаслиги керак? Муаллиф бу ҳолатни қуйидагича ифодалайди: «халқ демократлари» Тошкент вилоятида нисбатан кўпчилик депутатлик ўринларини эгаллаган; ХДП Сайловолди дастурида «аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари ва гуруҳларини аниқ тарзда ижтимоий қўллаб-қувватлашни назарда тутадиган мақсадли давлат дастурлари бажарилиши устидан парламент ва жамоатчилик назорати тизимини такомиллаштириш»га устуворлик берган».

Яна либералларга хос мантиқдан йироқ фикрлар, чунки Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашида ХДП вакиллари 27, O'zLiDeP вакиллари эса 26 нафарни ташкил этади. ХДПда атиги 1 та депутат кўп. Шунинг учун асосий айбдор ХДП бўлиши керакми? Қолаверса, нима, O'zLiDeP дастурида аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари ва гуруҳларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тўғрисида ҳеч вақо ёзилмаганми? Унда O'zLiDeP дастурининг «Партиянинг ижтимоий, гуманитар, маънавий соҳалар ва жамият ақлий салоҳиятини ривожлантириш борасидаги вазифалари» бўлимига мурожаат қилайлик. Унда қуйидаги дастурий вазифалар аниқ-равшан белгилаб қўйилган: «Партия инсон саломатлиги, ҳозирги давр тиббиётининг янги ютуқларига таянган ҳолда дунёда илғор ўринларга интилаётган Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш ривожи, оналик ва болаликни ҳимоялаш, умр узоқлигини таъминлаш йўлида курашади.

**Партия аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини, нафақахўрлар, айниқса, ногиронларни аниқ йўналтирилган ҳимоя ва ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг амалий тизимини шакллантириш сиёсий фаолиятининг бош вазифаларидан бири деб ҳисоблайди. Партия ногиронлар ўзларини жамиятнинг тўлақонли фуқаролари деб ҳисоблайдиган зарур шарт-шароитлар яратишга интилади».**

Шундай экан, мақола муаллифи Чирчиқ шаҳрида ногиронлар билан боғлиқ юқоридаги камчиликларда нега фақат ХДПни кўриб, либералларни унутмоқда? Ёки у ўз партияси дастурини охиригача ўқиб чиқмаганми?

Бунинг устига муаллиф партия билан вакиллик идорасидаги партия депутатлик гуруҳи ишларини бир-биридан фарқлай олмаслигини ҳам билдириб қўйган. Ҳозирги демократик ислоҳотлар даврида ҳар бир партия давлатнинг халқчил дастурларини кенг тарғиб қилади, ундаги эзгу ғояларни халқ ўртасида ёяди ва қўллаб-қувватлайди, лекин уларнинг ижросини вакиллик идораларига партиядан номзод бўлиб сайланган депутатлар ва ижро ҳокимиятидаги ўз аъзолари орқали амалга оширади. Бу фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат талабидир.

Албатта, ҳозир дунёда партияларaро баҳс-рақобат, мухолиф фикрларнинг ўзаро кураши, плюрализм асосида ривожланиши демократик қадриятга айланган. Ва бу жараён юксак сиёсий маданият, етук интеллектуал салоҳият, бой билим ва тушунча талаб этади. Ёзаётган мақоламдан одамларга нима наф етади, деб масалага ёндашсак, ўзгалар манфаатидан келиб чиқиб, катта мақсад билан иш юритсак, хато қилмаймиз. Муаллиф дастур ижросидаги яхши ва ёмон ҳолатларни изчил таҳлил этиб берса, наинки партияларга, балки жамиятга фойдаси тегарди. Хўжакўрсинга қилинган танқид эса одамларни чалғитади, холос. Фикрларимиз турли-туман бўлсин, баҳслашайлик, тортишайлик, лекин бу жамиятга, мамлакатимизга наф етказсин.

**Муқимжон ОСТОНАҚУЛОВ**

ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти



# ВАТАН РАВНАҚИ ЙЎЛИДА

## «Ёш сиёсатчи» кўрик-танлови ёшларни эзгу мақсад атрофида бирлаштирмоқда

— Ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини юксалтириш, фуқаролик жамияти барпо этишда улар иштирокини кучайтириш, шунингдек, партия сафини салоҳиятли кадрлар билан тўлдиришда кўрик-танловнинг аҳамияти катта, — дейди **«Истиқбол» ёшлар қаноти Тошкент шаҳар бўлими етакчиси Дурбек Худойқулов.** — Бу йилги кўрик-танлов «Мен Ватаним равнақи йўлида нима қила оламан?» шиори остида ўтаётгани, унда ижтимоий-сиёсий интилишга катта аҳамият берилгани иштирокчиларни ҳар қачонгидан кўпроқ изланишга ундади. Масалан, танлов шартига кўра, ҳар бир қатнашчи ўз ҳудудидаги ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ишларни ривожлантириш, муаммоларни ечиш бўйича аниқ таклиф ва лойиҳа тақдим этиши керак.

Мазкур шартга тайёрланиш жараёнида ёшлар депутатлар билан бирга жойларга чиқиб, партия электоратини ўйлантираётган масалаларни ўрганиб, уларни бартараф этиш бўйича амалий таклифлар тайёрлади. Қувонарлиси, ҳайъат аъзолари улар ишлаб чиққан тавсияларнинг ҳар жиҳатдан пухта эканини эътироф этишди. Демак, ёшларда мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларга дахлдорлик туйғуси кучли, улар бу борада ўз фикри ва дунёқарашига эга.

— Тайёрланиш жараёнида жуда кўп китобларни ўқидим, мунтазам равишда ижтимоий-сиёсий матбуот нашрлари билан танишиб бордим, — дейди **танлов ғолиби Дилрабо Расулова.** — Муҳими, сиёсий-ҳуқуқий билимимни, нотиқлик маҳоратимни оширдим. Очиғи, танлов давомида тенгдошларимдан ҳам анча нарсани ўргандим. Айниқса, сиёсий баҳсда юртимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, кучли фуқаролик жамиятини такомиллаштириш борасида қилинаётган ишлар, янги қонун ва қарорлар, Концепциянинг ҳаётимизда тутган ўрни ҳақидаги тушунчам янада бойиди. Танловнинг республика босқичига янада қаттиқ тайёрланиб, биринчи ўринни эгаллашга ҳаракат қиламан.

**Танлов ғолибларини аниқлашда ёшлардаги ташкилотчилик ва етакчилик маҳорати, мустақил фикр юритиш малакаси, сиёсатчига хос қобилияти алоҳида ҳисобга олинди.**

— Келгусида депутатликка номзодлар, партия ташкилотларида ишлайдиган, масъул вазифаларга тайинланадиган етук кадрлар, албатта, мана шу ёшлар орасидан етишиб чиқади, — дейди **Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Кимё Шокирова.** — Кўрик-танлов шуни кўрсатдики, бугунги ёшларда жамият ҳаётига қизиқиш тобора кучайиб бормоқда. Тўғриси, уларнинг ҳозиржавоблиги, сиёсий билим ва кўникмалари мени лол қолдирди. Танлов ана шундай кўплаб ёшларни кашф этаётгани билан аҳамиятли, албатта.

Танловда ғолибларга ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши диплом ва эсдалик совғалари топширди. Биринчи ўрин соҳиби республика босқичида иштирок этиш учун йўлланма олди.

**Лазиза ШЕРОВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда.)

# ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ

## ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги бошқарма бошлиғи Баҳодир Шарапов «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонун ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси, уларга киритилган қатор ўзгартишлар ҳақида тушунча берди. Шунингдек, у якка ёлғиз кексалар ва ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда уларга ижтимоий маиший хизмат кўрсатиш билан бирга ижтимоий муҳофазада улардаги боқимандаликка йўл қўймаслик ва уни олдини олиш масалалари юзасидан ҳам тўхталиб ўтди.

Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижрочи директорининг биринчи ўринбосари Маҳмуджон Зиядуллаев республикамизда истиқомат қилувчи барча пенсия ва нафақа олувчиларнинг ишончли ҳимояланган ягона марказлашган маълумотлар базасини шакллантириш имконини берадиган автоматлаштирилган ахборот тизимини амалиётга жорий этиш ишлари жадал олиб борилаётгани ҳақида маълумот берди. Шунингдек, у Пенсия жамғармасининг барча туман, шаҳар бўлимларида жорий йилнинг биринчи майидан бошлаб, янги замонавий «Пенсия» дастурий таъминоти амалиётга жорий этилиб, ушбу дастурий таъминот орқали республика бўйича 2.936 минг нафар пенсия ва нафақа олувчилар тўғрисидаги барча маълумотлар киритилиб, ягона база яратилганини ҳам айтиб ўтди.

Анжуманда, шунингдек, тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари ва тиббий-маслаҳат комиссиялари фаолиятини халқаро тажрибага мослаштириш ҳамда 16 ёшгача ва ундан юқори ёшдаги фуқароларнинг ногиронлик ҳолатини белгилаш тамойилларини қайта кўриб чиқиш, уларни амалга ошириш тартибини мувофиқлаштириш, бунинг учун эса қонуний асосини кучайтириш зарурлиги тўғрисида фикрлашилди.

Илмий-амалий конференция якунида ижтимоий таъминот қонунчилигига оид муаммолар ва уларни ҳал этиш билан боғлиқ масалалар кўрилиб, тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ**

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Юрт тинчлиги — олий неъмат

# УРУШ ТУФАЙЛИ АЙРИЛГАН АКА-УКА

## 66 йилдан сўнг бир-бирини топди

**Китоб туманидаги 5-вилоят Меҳрибонлик уйи директори Тоштемир Сатторов Сирдарё вилояти Ховос шаҳридан келган кишининг кўнглини кўтариб, кузатиб қўйди. У акасини топиб беришда ёрдам сўраб келган эди.**

### ПЎЛАТ ЮСУПОВ ҲИКОЯСИ

— Асл исмимни ҳам, ота-онамни ҳам билмайман. Китоб туманидаги Нимча қишлоғида яшовчи Парда ака деган бригадирнинг шийпонида ухлаб ётганимда топиб олишган. Бу урушдан кейинги йиллар экан. Сўраб-суриштиришади, ҳеч ким даракламайди. Шундан кейин мени Парда ака тарбиясига олади. Бу воқеаларни эсимни таниганимдан кейин айтиб беришган. Қимматчилик йилларида бир бурда нонини аямаган тутинган отам, онамдан то ўлгунча миннатдорман. Боликдан меҳнатга ўргатишди. Қишлоқ мактабида яхши ўқидим. Биринчи йил университетга ўқишга киролмай, Тошкент трактор заводида шогирд-ишчи бўлдим. ТошДУнинг тайёрлов курсида ўқидим. Ниҳоят, университетнинг геология факультетига ўқишга кирдим. Ётоқхона беришди. Тошкент зилзиласи бошланганда, бир гуруҳ талабаларни бошқа шаҳарларга жўнатишди. Шу тарзда ўқишимни Санкт-Петербург шаҳридаги тоғ геологияси институтида давом эттириб, 1969 йил диплом олдим.

Юртимизга қайтиб, Тошкент геология-қидирув экспедициясига ишга кирдим. Бойсун тоғларида кон қидирдик. Давр ғалати экан-да, кўнгилли бўлиб 1981 йилда Россиянинг БАМ (Байкал-Амур магистрал) йўли қурилишига жўнаб кетибман. Дипломли мутахассис бўлганим учун кўмир ва нефть конларини қидирадиган геология ташкилотига ишга кирдим. Ўн йилча Сибирь ерлари, ўрмонларини кезиб чиқдим. Ростини айтсам, бегона юрт қалбингни иситолмас экан. Бунинг устига, астма касаллигини ортириб олдим. Уйим-жойим, оилам йўқлиги, дунёда ёлғизлигим ҳам қалбимни эзарди. Юртимга қайтдим. Тақдир экан, Сирдарё вилоятининг Ховос шаҳрида умр йўлдошим Машкура Сайфуллаевани учратдим. Турмуш қурдик, уч фарзандни улғайтирдик. Ҳозир пенсиядаман.

**Очиғи, ўзимни тутиб, уй-жой қилгач, Китобга келиб, тутинган ака-укаларимдан хабар олдим. Болалик хотирамда қўлимдан ушлаб турган акам борлиги муҳрланиб қолганди. Кечалари уйғониб кетсам, кўз ўнгимда гавдаланарди. Шундан кейин қидиришга тушдим. Болалар уйларидан сўроқладим, телевидениега хат ёздим. Афсуски, ўн беш йиллик излашларим самара бермади. Ёшим етмишга етди. Наҳотки бу дунёда менинг ҳеч кимим бўлмаса?..**

*Узоқ йиллардан буён Меҳрибонлик уйида ишлаётган Тоштемир акага бу дард бегона эмас. Унинг ўзи ҳам болалар уйида вояга етган. Қариндошлари оламдан ўтиб кетган. У Пўлат аканинг илтимосини бажаришга астойдил киришди, сўраб-суриштирди. Ахийри, шаҳрисабзлик бир кишининг давраларда урушдан кейин укамни йўқотиб қўйганман деб айтиб юришидан дарак топди. Шаҳрисабзга йўл олди.*



### ИСМОИЛ АБДУНАЗАРОВ ҲИКОЯСИ

— Эсимда қолгани — бозор. Катта акам — Раззоқ менинг ва укамнинг қўлидан ушлаб олганди. Укам тўрт, мен олти-етти ёшда бўлганман. Бир пайт одамлар ичида адашиб қолдик. Чақирамиз, йиғлаймиз, қани акажонимиз келса. Ҳориб, чарчаб қолдик. Шунда бир меҳрибон киши уйига олиб бориб, бир бурдадан нон берди. Эртаси куни етимхонага олиб бориб топширди. Бир ой ўтмай, каттароқ болаларни Чироқчи туманидаги етимхонага ўтказишди. Ўшанда укамни сўнгги бор кўрганман. Ўн беш ёшларда эдим, етимхонадан қочиб кетдим. Юриб-юриб, Шаҳрисабз шаҳрига келдим. Саттор қассоб деган киши тарбиясига олди. Фарзандларига қўшиб, суннат тўйи қилиб берди. У кишидан ўла-ўлгунча миннатдорман. Тўққизинчи синфдан кейин ишладим. Ҳарбий хизматдан қайтгач, булдозерчи касбини эгалладим, Чимқўрғон сув омбори қурилишида ишладим. Кейин ички ишлар бўлимининг қўриқлаш хизматига кириб, шу жойдан пенсияга чиқдим. Момонгиз билан олти фарзандни улғайтирдик. Невараларимиз бор.

Ёшим етмиш учда. Ўшанда сал ўзимни тутиб олгач, қариндошларимни сўраб-суриштирдим. Паландаранинг Наримон қишлоғида холам қолган экан, топиб борганимда, айланиб-ўргилди. Холамнинг айтишича, биз Бўриметан қишлоғидан эканмиз. Отамиз Абдиназар полвон қишлоқдаги хўжалик раиси бўлган. Урушга кетиб, қайтмаган. Урушнинг оти ўчсин. Очарчилик, касаллик туфайли қишлоғимиз одамлари вафот этибди, ё бошқа жойларга кўчиб кетибди. Укамни тополмадим. Эҳ-ҳе, орадан не сувлар оқиб ўтди. Бор бўлса, дараги чиқарди...

*Тоштемир ака Меҳрибонлик уйига келгач, Исмоил Абдуназаровнинг «укамнинг бир қулоғида тиртиғи бор эди», деган гапларини эслаб, юраги ҳаприқиб кетди. Зудлик билан Сирдарёга қўнғироқ қилиб, Пўлат ака билан боғланди.*

3 май. Шаҳрисабз шаҳридаги Исмоил ота хонадони меҳмон кутаяпти. Тоштемир Сатторов сирдарёлик меҳмонни бошлаб келди. Бир-бирларига рўпара бўлгач, Исмоил ота қаршисидаги қотма, сочлари оқарган кишига узоқ тикилиб қолди. Назари қулоғидаги тиртиққа тушди. Ўзига ўхшашини ҳам пайқади, иккаласи ҳам буғдойранг. Кейин тоқат қилолмай: «Исроилжон, жигарим! Сенинг отинг Исроил, отамизни Абдиназар раис дейишарди. Наҳотки топганим рост бўлса?», дея қучоғини очди. «Акажоним, дунёда борлигингизни билардим. Қанча йиллар изладим сизни. Ниҳоят бағрим тўлди», дея олдинга талпинди Пўлат-Исроил ота. Роса 66 йил излаб, ниҳоят топишган жигарларнинг ҳолати тошни ҳам йиғлатарди.

— Президентимиз 9 май — Хотира ва қадрлаш куни матбуот ходимлари билан суҳбатда урушнинг уқубатлари, халқимиз қалбидаги яраси ҳеч қачон эсдан чиқмаслиги ҳақида гапирдилар, — дейди Меҳрибонлик уйи директори, Республика хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Тоштемир Сатторов. — Бу аламли қисса ҳам уруш қолдирган дардлардан биттаси. Ака-укалар 66 йил айриликда армон билан яшашди. Бошларидан нималар ўтгани, ёлғизлик изтиробларини ўзлари яхши билишади. Бундай қисматлар гувоҳи бўлганингда, уруш келтирган кулфатларни кўрганингда, тинчлик бебаҳо неъмат эканини ҳис этасан, тинчликка шукрона айтасан.

**Юнус УЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## ОИЛАВИЙ АНСАМБЛЛАР ТАНЛОВИ

**Шаҳрисабзда Мустаҳкам оила йилига бағишлаб ўтказилган оилавий ансамбллларнинг республика кўрик-танлови якунланди. Унда мамлакатимизнинг 86 та оилавий ансамбли ўз дастурларини намойиш этди.**

Олий ўринга Хоразм вилоятидан келган Рўзметовлар оилавий ансамбли муносиб кўрилди. Шунингдек, ўндан зиёд оилавий ансамблларга ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ташкил қилинган кўрик-танлов оилавий ансамблларни қўллаб-қувватлашда муҳим қадам бўлди.

**Насриддин БОТИРОВ**

## Коллеж битирувчиларига қулайлик

**Самарқанд шаҳар ҳокимлиги ҳамда шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамкорликда Самарқанд ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежида навбатдаги бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этди.**

Унда шаҳардаги 81 та ташкилот ўз бўш иш ўринлари билан қатнашди. Тадбирга коллеж битирувчиларидан ташқари шу ҳудуд атрофидаги маҳаллаларда яшовчи, вақтинча ишламаётган ёшлар ҳам таклиф қилинди.

— Мен шу коллежни битиряпман. Бугунги ярмаркада мутахассислигим бўйича ишга жойлашдим, — дейди Райҳона Абророва.

Меҳнат ярмаркасида 41 нафар фуқаро иш йўлланмасига эга бўлди ва 118 нафари ўзларини қизиқтирган масалалар бўйича маслаҳатлар олишди.

**Абдували ХУДОЁРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Футбол

## Бош соврин кимга насиб этади?!

**Польша ва Украина яшил майдонларида давом этаётган XIV Европа чемпионати учрашувлари тобора ҳал қилувчи паллага кириб бормоқда.**

Мусобақада «плей-офф» босқичига биринчи бўлиб йўлланмани Германия терма жамоаси қўлга киритди. «В» гуруҳида дастлабки учрашувда португалияликларни 1:0 ҳисобида доғда қолдирган «немис машинаси» кейинги учрашувда Голландия футболчиларига қарши майдонга чиқди. Унда бутун учрашув давомида эҳтиёткорлик ва совуққонлик билан тўп сурган германияликлар рақибларидан устун келишди — 2:1. Бу эса уларга муддатидан илгари чорак финал йўлланмасини тақдим этди.

«С» гуруҳида эса мусобақанинг энг омадсиз жамоаси номига ойдинлик киритилди. Иккинчи тур доирасида кечган Италия — Хорватия терма жамоалари учрашувида томонлар (1:1) муроса йўлини танлашган бўлса, гуруҳда Испания — Ирландия футболчилари ўйинида мухлислар йирик натижанинг гувоҳига айланишди. Амалдаги Европа ва жаҳон чемпиони — испанияликлар рақиблари дарвозасига жавобсиз тўртта тўп йўллашди — 4:0. Бу мағлубият чемпионат иштирокчилари орасида биринчи бўлиб, ирландияликларнинг кейинги босқич йўлланмаси учун курашиш имкониятини йўққа чиқарди. Энди улар учинчи турда хорватияликларга қарши баҳсда шунчаки расмиятчилик учун майдонга тушишади.

Кеча «Д» гуруҳида ўтказилган Украина — Франция — 0:2, Швеция — Англия терма жамоалари учрашувлари билан иккинчи тур ўйинлари ниҳоясига етди.

Бугун гуруҳ босқичининг сўнгги тур ўйинлари бошланади. Унда дастлаб «А» гуруҳи вакиллари майдонга чиқишади: Россия — Греция, Чехия — Польша.

**Диёра МАМЕТОВА**

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг

## Гапирадиган қарға нега аразлади?

**Бундан ўн йиллар муқаддам гапирадиган қарға ҳақида республика телевидениеси ва газеталарида ахборотлар берилган эди. Яқинда бу қарға билан боғлиқ воқеани эшитиб, Шеробод туманида бўлдим. Қарғани гапиришга ўргатган Бўри Раҳимов «Гоша»нинг (қарғанинг номи шундай) аразлаб қолганидан шикоят қилди.**

— Буни қаранг-а, — дейди у энг яқин одамидан гина қилгандай. — Уни шунча йил ардоқладим, парвариш қилдим. Оз эмас, 32 та сўзни ўргатдим. Энди бўлса, арзимаган иш учун мен билан гаплашмай юрибди...

Дарҳақиқат, қанотидан шикастланган қарға қишнинг аёзли кунларидан бирида унинг ҳовлисида пайдо бўлди. Бўри ака уни узоқ вақт даволади. Дастлаб дон ва сув, кейинчалик ёнғоқ, писта, гўшт билан боқди.

Қарға секин-аста ўзига келиб, батамом тузалди. Энди у бошқа қарғалардан фарқли ўлароқ, одобли, итоаткор қарғага айланди. Кунларнинг бирида у эгасига қараб «Гоша» деб овоз берди. Бошида Бўри ака уни шундай ном билан чақирарди. Шу-шу, унинг номи «Гоша» бўлиб қолди. Тилга кирган қарғанинг «сўз луғати»да «Яхши қолинг», «Яхши боринг», «Яхши ўқинг» деган самимий иборалар бор.

Бўри Раҳимовнинг уйи туман марказидаги деҳқон бозорининг шундоққина биқинида жойлашган. Шу атрофдаги мактаб биноси билан унинг ҳовлиси ўртасидаги масофа ҳам бир қадам. Болалар мактабга қатнашда айланма йўллар орқали эмас, унинг ҳовлиси ичидан кесиб ўтишни маъқул кўришади. «Гоша» ҳар куни эрталаб болаларнинг йўлига пешвоз чиқади-да, «Яхши боринг», «Яхши ўқинг» деб уларга тилак билдиради. Гоҳида болаларнинг хандон отиб кулганидан сукут сақлаб турса, гоҳида улардан «Раҳмат» сўзини эшитгач, «Раҳмат» деб жавоб қайтаради.

Яқинда нима бўлди-ю, Бўри ака ҳовлидаги тартибсизликларни кўриб, «Гоша»дан жиғибийрон бўлди. Қўлига чўп олиб, қарғани ҳовли бўйлаб қувлаб кетди. Одобли, итоаткор «Гоша» учиб қочиб кетишни хаёлига келтирмади. Лекин Бўри акадан хафа бўлиб, гапига қулоқ солмай қўйди. Инсон боласи сингари ширин сўз, яхши гапга ташна «Гоша» ҳозир Бўри аканинг ўғли Шодибекка талпинади, у билан «гаплашади».

Республикада ўтказилган қушлар байрами мусобақаларида ўн карра ғолиб бўлган «Гоша» яқинда яна иккита сўзни ўрганибди. У, «Виждонли бўлинг», «Диёнатли бўлинг» сўзларини бемалол талаффуз қилмоқда.

Қизиқ, айрим одамлар фирибгарлик ва товламачиликни касб қилиб олган бир пайтда, оддий бир қарғанинг уларни диёнатга чорлаши ҳайратли!

**Абди ҚОДИРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

### ОБ-ҲАВО 16-17 – 06. 2012

| Юртимиз бўйлаб (°C) | Кечаси | Кундузи |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти | +17 / +22 | +34 / +39 |
| Бухоро ва Навоий вилоятлари | +17 / +22 | +34 / +39 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари | +15 / +20 | +32/+37 |
| Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари | +17 / +22 | +34 / +39 |
| Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари | +15 / +20 | +30 / +35 |
| Тошкент шаҳри | +18 / +20 | +34 / +36 |

| Дунё бўйлаб (°C) | |
|---|---|
| Лондон | +13 / +12 |
| Париж | +15 / +13 |
| Москва | +14 / +14 |
| Мадрид | +17 / +18 |
| Пекин | +21 / +23 |
| Гонгконг | +27 / +26 |
| Рим | +15 / +14 |
| Афина | +22 / +21 |
| Токио | +18 / +22 |
| Стокгольм | +10 / +11 |
| Кейптаун | +12 / +10 |
| Қоҳира | +29 / +31 |
| Гавана | +25 / +25 |
| Вашингтон | +16 / +18 |

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari), G'affor HOTAMOV (Bosh muharrir o'rinbosari), Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR:
Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49;
Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Sport va vatanparvarlik — 233-44-55;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 646
17078 nusxada bosildi.
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 00.20
Topshirilgan vaqti — 01.00

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Abdusalim MAHMUDOV
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5